



Tadqiqot UZ

**ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



**31 YANVAR
№24**

CONFERENCES.UZ

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 24-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
1-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
24-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-1**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
24-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-1**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 24-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 январь 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 32 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

1. Умматов Мамарасул Турсунович, Алтмишев Темурбек Хамзаевич ПРОБАЦИЯ ХИЗМАТИНИНГ АХЛОҚ ТУЗАТИШ ИШЛАРИ ЖАЗОСИНИНГ ЎТАЛМАГАН МУДДАТИНИ ЕНГИЛПРОҚ ЖАЗОГА АЛМАШТИРИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАҲЛИЛИ	7
2. Хужаназаров Азизжон НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ	13
3. Алтмишев Темурбек Хамзаевич АХЛОҚ ТУЗАТИШ ИШЛАРИ ЖАЗОСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	15
4. Уразбаев Давронбек Одилбекович ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИДАГИ МУАММОЛАРИ.....	20
5. Дилобар Рахманова КОНСТИТУЦИЯ - ҲУҚУҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР ГУЛТОЖИ.....	23
6. Шахноза Гаффарова ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ МАСАЛАЛАРИ.....	25
7. Гафурова Севара СОВРЕМЕННЫЕ ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РАЗВИТИЯ ИНСТИТУТА КОНСУЛЬСКОЙ ЗАЩИТЫ	28
8. I.Idrisova. O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING XALQARO MAYDONDAGI TASHABBUSLARI.....	30



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

ПРОБАЦИЯ ХИЗМАТИНИНГ АХЛОҚ ТУЗАТИШ ИШЛАРИ ЖАЗОСИНИНГ ЎТАЛМАГАН МУДДАТИНИ ЕНГИЛРОҚ ЖАЗОГА АЛМАШТИРИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАҲЛИЛИ

Умматов Мамарасул Турсунович

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
(E-mail: mamarasulummatov01@gmail.com)

Алтмишев Темурбек Хамзаевич

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги Академияси мустақил изланувчиси
(E-mail: altmishevtemurbek05@gmail.com)

Аннотация: Мақолада Пробация хизматининг ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмаган муддатини енгилроқ жазога алмаштириш фаолиятини таҳлили амалга оширилган бўлиб, амалиётда ушбу масалада юзага келаётган номувофикликлар ёритилиб, уларни бартараф этиш юзасидан муаллифнинг таклиф ва тавсиялари ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Жиноят, жазо, ахлоқ тузатиш ишлари, маҳкум, иш ҳақи, суд ҳукми.

Судлар томонидан одил судловни амалга оширишда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси таъминланмоқда. Бунда инсонпарварлик тамойиллари ўз аксини топган миллий қонунчилигимиз мустаҳкам пойдевор бўлмоқда [1].

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73-моддасида жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва 74-моддасида жазони енгилроғи билан алмаштириш масалалари тартибга солинган.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш масалалари юзасидан Пробация хизматининг фаолияти бўйича ҳисоботлари таҳлил қилинганда, биргина 2020 йилнинг бошида республика бўйича 20021 нафар маҳкум ушбу жазони ўтаётганлар ҳисобида турган бўлса, ушбу даврга қадар яъни 2019 йилнинг 12 ойи давомида 10499 нафар маҳкум ушбу жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган ҳамда 11057 нафар маҳкумга қўлланилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ундан енгилроқ бўлган жазо турлари билан алмаштирилган [2].

Пробация хизматининг ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмаган муддатини енгилроқ жазога алмаштириш ёки жазодан муддатидан илгари озод қилиш фаолиятини Жиноят кодексининг 73 ва 74-моддаларида белгиланган ҳуқуқий асосларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис ушбу нормаларни ҳам таҳлил қилиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Жиноят кодексининг 73-моддасининг биринчи қисмига кўра: «Озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш ёки **ахлоқ тузатиш ишларига** ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилиши мумкин. Шахс ижро этилмаган қўшимча жазодан ҳам озод қилиниши мумкин»лиги белгиланган.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида эса жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ахлоқ тузатиш ишлари учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан қўлланилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73-моддасининг учинчи қисмига кўра: «Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш маҳкум:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини;



б) оғир жинояти учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини;

в) ўта оғир жинояти учун, шунингдек жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинган ёки жазоси енгилроғи билан алмаштирилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан икки қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилиши мумкин»лиги белгиланган.

Жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 536-моддаси (Жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш тартиби)да белгиланган тартибда жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг тақдимномасига ёки маҳкумнинг, унинг ҳимоячисининг илтимосномасига биноан судья томонидан қўлланилади [3].

Ахлоқ тузатиш ишлари тарихидаги жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ўн саккиз ёшга тўлмай жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти ва вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиянинг биргалликдаги тақдимномасига биноан ёки маҳкумнинг, унинг ҳимоячисининг илтимосномасига асосан судья томонидан қўлланилади. Шунингдек, ахлоқ тузатиш ишлари тарихидаги жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш бўйича киритилган тақдимномалар ёки илтимосномалар бўйича уларни рад этиш тўғрисида қарор чиқарилган тақдирда, қарор чиқарилган кундан бошлаб камида олти ой ўтгач, киритилган тақдимномалар ёки илтимосномалар қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73-моддасининг тўртинчи қисмида жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилмайдиган шахслар тоифаси тартибга солинган бўлиб, унга кўра:

«Жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш:

а) умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахсга [4];

б) ўта хавфли рецидивистга;

в) уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшманинг ташкилотчи ва қатнашувчиларига;

г) жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган жабрланувчининг номусига тегиш ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондириш, Ўзбекистон Республикасига, тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноят содир этиш, ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа хилдаги оммавий қирғин қуролиларини, шундай қуролиларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материал ва ускуналарни, контрабанда қилиш учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди» [5].

Ушбу нормадаги қоидаларнинг таҳлилидан келиб чиқиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмида фақатгина санкциясида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси назарда тутилган ва ушбу жазо мазкур тоифадаги шахсларга қўлланилган тақдирдагина, уларнинг ушбу жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинишига йўл қўйилмайди.

Қайд этиш жоизки, жиноят қонунчилигининг таҳлили ахлоқ тузатиш ишлари жазоси асосан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларга нисбатан қўлланилганлигини кўрсатади.

Бироқ, амалдаги Жиноят кодексига ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятлардан ташқари, оғир жиноятларга ҳам қўлланилганлиги ҳолатлар бор (масалан, ЖК 155²-моддаси 1-қ. (Террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтиш, чиқиш ёки ҳаракатланиш), 167-моддаси 3-қ. (Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш), 168-моддасини 3-қ. (Фирибгарлик), 188¹-моддаси 2-қ. (Пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолият) бўлсада, қонун чиқарувчи ўта оғир жиноятларнинг санкциясида ушбу жазо турини белгиламаган.

Ҳолбуки, ўта оғир жиноятлар бўйича тайинланган озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазонинг ўталмаган қисми енгилроқ жазо тарихида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси билан алмаштирилиши мумкин.



Бундан ташқари, ушбу ҳолат ҳам ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг маълум бир қисмидан маҳкум шартли равишда озод қилиниши инкор этмайди.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазонинг ўталмаган қисми энгилроқ жазо тариқасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси билан алмаштирилганда, маҳкум ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаётган даврда ўрнатилган тартиб-қоида талабларини тўлиқ бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган тақдирида ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан ҳам муддатидан илгари шартли озод этилиши ёки этилмаслигига оид қоидалар ҳамда тартиблар белгиланмаган.

Фикримизча, ушбу ҳолатлар алоҳида илмий-тадқиқот мавзуси доирасида ёритилиши ҳамда жиноят қонунчилигидаги бу каби бўшлиқ бартараф этилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73-моддасининг бешинчи қисмида жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниб, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этган шахсга нисбатан суд Жиноят кодексининг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ, бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаши белгиланган.

Яъни бунда, маҳкум ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмаган қисмидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган ва жазонинг ўталмаган муддати давомида қасддан янги жиноят содир этган тақдирда, суд бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлайди. Айнан ушбу шартни ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмаган қисмидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишнинг шарти сифатида кўрсатиш мумкин.

Бироқ, шу ўринда қайд этиш жоизки маҳкум томонидан жазонинг ўталмаган муддати давомида эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятлар Жиноят кодексининг 73-моддасининг бешинчи қисми таъсирига тушмайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 74-моддасида ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазони ўталмаган қисмини энгилроқ жазо билан алмаштиришнинг ҳуқуқий асослари тартибга солинган бўлиб, унинг биринчи қисмида ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан суд жазонинг ўталмаган қисмини энгилроқ жазо билан алмаштириши мумкинлиги белгиланган.

Жиноят кодексининг 74-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан суд жазонинг ўталмаган қисмини энгилроқ жазо билан алмаштиришнинг шартлари ушбу жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишнинг шартлари билан ўхшаш бўлиб, жиноят қонунчилигида улар қуйидагилардан иборат эканлиги белгиланган:

1) маҳкумга ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо қўлланилганлиги (ЖК 74-м., 2-қ.);

2) маҳкумнинг жазони ўташи даврида ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажариб келганлиги (ЖК 74-м., 2-қ.);

3) маҳкумнинг жазони ўташи даврида меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлиги (ЖК 74-м., 2-қ.);

4) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганлиги (ЖК 74-м., 3-қ.);

5) оғир жинояти учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар у илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганлиги (ЖК 74-м., 3-қ.);

6) ўта оғир жинояти учун, шунингдек жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёки жазони энгилроғи билан алмаштириш қўлланилган ва жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан содир этган янги жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини ҳақиқатда ўтаб бўлганлиги (ЖК 74-м., 3-қ.).

Ушбу асослардан дастлабки учтаси мажбурий бўлиб, улардан бирортасининг бўлмаслиги ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсга тайинланган жазонинг ўталмаган қисмини энгилроқ жазо билан алмаштирилишига йўл қўйилмайди. Ушбу асосларнинг кейинги учтаси маҳкум содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиги даражасидан келиб чиқиб белгиланади ҳамда улардан бирортаси дастлабки учта асос билан биргаликда



мавжуд бўлганда суд тайинланган жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириши мумкин бўлади.

Жиноят кодексининг 74-моддасининг тўртинчи қисмида озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш тариқасидаги жазонинг ўталмаган қисми ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилганда ахлоқ тузатиш ишлари озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш жазосининг ўталмаган қисми муддатига тайинланиши белгиланган.

Фикримизча, Жиноят кодексининг 74-моддасининг тўртинчи қисмида ҳуқуқий бўшлиқ мавжуд бўлиб, шахс ўта оғир жиноят содир этганлиги учун унга суд томонидан 15 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланганида, шунингдек Жиноят кодексининг 74-модданинг учинчи қисми «в» бандида белгиланган талабларга кўра маҳрум тайинланган жазонинг ярмини яъни 7,5 йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганда, суд ушбу жазонинг қолган 7,5 йилини ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазога алмаштириши лозим бўлиб, ушбу ҳолат Жиноят кодексининг 46-моддаси (ахлоқ тузатиш ишлари)нинг иккинчи қисмида белгиланган қоидаларга зид вазиятни юзага келтиради.

Ҳолбуки, Жиноят кодексининг 46-моддаси (ахлоқ тузатиш ишлари)нинг иккинчи қисмига кўра ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг энг кўп муддати уч йилни ташкил этиши белгиланган.

Ушбу номувофикликка Жиноят кодексининг 61-моддасидаги жазоларни қўшишнинг ҳисоблаш қоидалари, 62-моддасидаги ушлаб туриш, қамокка олиш ёки уй қамоғи вақтини ҳисобга олиш қоидалари ва 63-моддасидаги жазо муддатларини ҳисоблаш қоидаларини таҳлил қилиш орқали ҳам жавоб топиш мушкул. Чунки ушбу нормалардаги қоидаларда қонун чиқарувчи озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг бир кунини ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазонинг уч кунига тенглаштирилган ҳолда ҳисобланишини белгилаган бўлиб, бу юқорида биз таҳлил қилаётган муаммонинг ечимини янада чигаллаштириб юборилишига олиб келади (7,5 йил муддатни 3 мартага кўпайтирилиши ахлоқ тузатиш ишлари жазосини 22,5 йил этиб тайинланишига олиб келади).

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарорининг 1-бандида жиноят қонунчилиги нормаларини унификация қилиш; жиний жавобгарлик ва жазо тизимини такомиллаштириш; фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларининг таъсирчан ва ишончли муҳофаза қилинишини таъминлаш [6] каби вазифалар белгиланганлиги жиноят қонунчилигида учраб келаётган бу каби номувофикликни бартараф этилишини тақозо этади.

Шу боис фикримизча, Жиноят кодексининг 74-модданинг учинчи қисми «в» банди ва 74-моддасининг тўртинчи қисмидаги қоидалар Жиноят кодексининг 46-моддаси (ахлоқ тузатиш ишлари)нинг иккинчи қисмида белгиланган қоидага мувофиқлаштирилиши лозим. Яъни, Жиноят кодексининг 74-моддасининг тўртинчи қисми қуйидагича янги таҳрирда баён этилиши мақсадга мувофиқдир:

«Озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш тариқасидаги жазонинг ўталмаган қисми ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилганда ахлоқ тузатиш ишларининг мазкур Кодексда белгиланган энг кўп миқдорига тайинланади».

Жиноят кодексининг 74-моддасининг бешинчи қисми ҳавола этувчи норма бўлиб, унда жазонинг ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштириш қўлланилмайдиган шахслар тоифаси тартибга солинган ва қонун чиқарувчи ушбу нормани Жиноят кодексининг 73-моддасининг тўртинчи қисмидаги қоидага ҳавола қилган.

Ушбу норма таҳлилига кўра, ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштириш қуйидаги шахслар тоифасига қўлланилмайди:

- 1) умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахсга;
- 2) ўта хавфли рецидивистга;
- 3) уюшган гуруҳ ёки жиний уюшманинг ташкилотчи ва қатнашувчиларига;
- 4) жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш, ўн тўрт ёшга

тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган жабрланувчининг номусига тегиш ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш, Ўзбекистон Республикасига, тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноят содир этиш, ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа хилдаги оммавий қирғин қуроолларини, шундай қуроолларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материал ва ускуналарни, контрабанда



қилиш учун ҳукм қилинган шахсларга.

Жиноят кодексининг 74-моддасининг олтинчи қисмида жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилган шахслар енгилроқ жазонинг тегишли қисмини ўтаб бўлганларидан кейин Жиноят кодексининг 73-моддасида назарда тутилган қоидаларга биноан жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинишлари мумкинлиги белгиланган.

Бунда озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш тариқасидаги жазонинг ўталмаган қисми ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилганда ва Жиноят кодексининг 73-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда маҳкум енгилроқ жазо сифатида алмаштирилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмаган қисмидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниши мумкинлигини англатади. Яъни, ушбу ҳолатда маҳкумга нисбатан икки мартаба инсонпарварлик тамойиллари қўлланилиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Жиноят кодексининг 74-моддасининг еттинчи қисмига кўра жазони енгилроғи билан алмаштириш ҳам жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш сингари шартли бўлиб, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниб, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этган шахсга нисбатан суд ушбу Жиноят кодексининг 60-моддаси (бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш)да назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди.

Шу ўринда қайд этиб ўтиш жоизки, фикримизча, бир шахсга нисбатан тайинланган жазонинг ҳам Жиноят кодексининг 74-моддасининг олтинчи қисмига кўра енгилроқ жазо билан алмаштирилиши ва алмаштирилган енгилроқ жазодан ҳам Жиноят кодексининг 73-моддасида назарда тутилган қоидаларга биноан муддатидан илгари озод қилинишнинг қўлланилиши мумкинлигининг жиноят ва жиноят-ижроия қонунчилигида белгиланиши жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига номувофиқдир. Шахсга нисбатан битта жазони ўташ жараёнида икки марта инсонпарварлик далолатномаси (ҳам енгилроқ алмаштириш ва ҳам шартли озод қилиш) қўлланилиши мақсадга мувофиқ эмас. Чунки ушбу ҳолатлар бу турдаги жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан тарбиявий таъсир чораларининг пасайишига олиб келиши ҳамда жазонинг профилактик функциясининг самарадорлигини камайтириши мумкин.

Бундан ташқари, қонун чиқарувчи Жиноят кодексининг 7-моддаси (инсонпарварлик принципи)нинг иккинчи қисмида: «Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузатиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак»лигига оид принциплари бежизга белгиламаган деб ҳисоблаш мумкин.

Ҳолбуки, мазкур масала юзасидан Пробация хизматининг ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ижро этиш фаолияти бўйича ҳисоботлари таҳлил қилинганда 2020 йилнинг 11 ойида республика бўйича озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар қўлланилган ва Пробация хизматининг ҳисобида турган маҳкумларнинг 225 нафари қайта жиноят содир этишган бўлиб, қайта жиноят содир этган маҳкумларнинг 125 нафари тайинланган жазо Жиноят кодексининг 74-моддаси тартибида енгилроқ жазога алмаштирилганларни ташкил этган [2].

Юқоридаги таҳлиллардан хулоса қилганда фикримизча, Жиноят кодексининг 74-моддасининг олтинчи қисмида белгиланган «Жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилган шахслар енгилроқ жазонинг тегишли қисмини ўтаб бўлганларидан кейин ушбу Кодекснинг 73-моддасида назарда тутилган қоидаларга биноан жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинишлари мумкин»лигига оид қоида чиқариб ташлаб мақсадга мувофиқдир.

Бизнингча, Жиноят кодексининг 74-моддасининг олтинчи қисмининг чиқариб ташланиши *биринчидан*, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини амалда таъминланишига, *иккинчидан*, инсонпарварлик принципи доирасини жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига зарар етказмаган ва даҳл қилмаган ҳолда белгиланишига, *учинчидан*, маҳкумлар ҳамда бошқа шахслар томонидан қайта жиноятлар содир этилишининг олди олинишига, шунингдек *тўртинчидан*, жазонинг профилактик функциясининг натижадорлиги ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.



Список литературы / References:

1. Камилов Д., Султонов Б. 28 нафар маҳкумга инсонпарварлик тамойили қўлланилди [Электрон манба]. Кириш йўли: http://old.uza.uz/oz/society/28-nafar-ma-kumga-insonparvarlik-tamoyili-llanildi-27-08-2020?sphrase_id=23520817 (Мурожаат қилинган сана: 28.12.2020).
2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси хузуридаги Пробация хизматининг 2019 йил ва 2020 йилнинг 11 ойидаги ҳисобот маълумотлари.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси [Электрон манба]. Кириш йўли: <https://lex.uz/docs/111460> (Мурожаат қилинган сана: 30.12.2020).
4. Ўзбекистон Республикасининг «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни [Электрон манба]. Кириш йўли: <https://lex.uz/docs/1317847> (Мурожаат қилинган сана: 30.12.2020).
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси [Электрон манба]. Кириш йўли: <https://lex.uz/docs/111453> (Мурожаат қилинган сана: 30.12.2020).
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарори [Электрон манба]. Кириш йўли: <https://lex.uz/docs/3735818> (Мурожаат қилинган сана: 30.12.2020).



НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ

Хужаназаров Азизжон,

(Тошкент давлат юридик университети
Жиноят-процессуал ҳуқуқи ва криминалистика
кафедраси ўқитувчиси,
a.anvarovich@inbox.ru
Тел:+998915675382)

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш фаолиятини режалаштириш, лойиҳаларни тайёрлашни ташкиллаштириш, лойиҳани ишлаб чиқиш, лойиҳани экспертизадан ўтказиш, лойиҳанинг муҳокамаси ва манфаатдор идоралар билан келишиш, лойиҳани кўриб чиқиш, қабул қилиш ва тасдиқлаш учун киритиш каби жараёнларини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш ҳамда услубий раҳбарликни амалга ошириш адлия органларининг соҳадаги муҳим функционал вазифаларидан бири.

Норма ижодкорлиги фаолиятини мониторинг қилиш тушунчаси, ўзига хос хусусиятлари, турлари ва адлия томонидан амалга оширилиши масалаларига тўхталадиган бўлсак, қуйидагиларни баён этиш мақсадга мувофиқ.

Шу ўринда, “мониторинг” атамасини изоҳлайдиган бўлсак, мазкур тушунча (инглизчадан кузатиш, назорат қилиш) маълум бир жараённинг ҳолатини (мас., қабул қилинган қонуннинг бажарилишини) кузатиш, ҳисобга олиш, баҳолаш ва истиқболни белгилаш фаолиятни билдиради[1].

Бугунги кунда маҳаллий илмий жамоатчилик томонидан “норма ижодкорлиги фаолиятини мониторинг қилиш” категорияси борасида муайян бир тадқиқотлар ўтказилмаган ва миллий қонунчиликда қоидалар белгиланмаган бўлсада, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси бўйича ҳуқуқий мониторинг масаласи етарлича ўз ифодасини топган. Шу билан бирга, “норма ижодкорлиги фаолиятини мониторинг қилиш” тушунчаси юриспруденция соҳаси учун деярли янги тушунча ҳисобланади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонуни 42-моддасида давлат бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг мониторинги амалга оширилиши лозимлиги белгилаб қўйилган. Яъни, ҳуқуқий мониторинг давомида ваколатли идоралар томонидан ҳуқуқни қўллаш амалиётининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш мақсадларига мувофиқлигини ўрганиш, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг тўлиқлигини таъминлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлигини таъминлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қарама-қаршиликлар, зиддиятлар, коррупцияга оид омиллар, бир-бирини такрорловчи ва коллизия нормаларни аниқлаш ва бартараф этиш амалга оширилади [2].

Бизнингча, норма ижодкорлиги фаолиятини мониторинг қилиш эса норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишни режалаштиришдан бошлаб уни қабул қилишгача бўлган жараёнларни қонунчиликка мувофиқ амалга оширилганлигини ўрганиш фаолиятидир.

Юқоридаги тавсифдан келиб чиқиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг мониторинги тушунчасини “норма ижодкорлиги фаолиятини мониторинг қилиш” категориясидан жиддий фарқлаш мумкин.

Ҳуқуқшунос олим Ю.Арзамасов норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш босқичлари бўйича процессуаль, тайёрлаш, тизимли-структуравий, ҳуқуқни қўллаш, контент-креатив турларига бўлган. Шундан, процессуаль мониторинги тушунчасига норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш, ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва кучга киритишнинг муҳим элементларини қайд этиш ва риоя этилишини кузатиш деб таъриф берган [3].

Бизнингча, “норма ижодкорлиги фаолиятининг мониторинги” тушунчасига — *қонун ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқиш фаолиятини режалаштириш, лойиҳаларни тайёрлашни ташкиллаштириш, лойиҳани ишлаб чиқиш, лойиҳани экспертизадан ўтказиш, лойиҳанинг муҳокамаси ва манфаатдор идоралар билан келишиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва тасдиқлаш учун киритиш жараёнларини белгиланган тартибда амалга ошириладиганлигини ваколатли органлар томонидан комплекс ўрганиш фаолияти деб,*



таъриф бериш мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, норма ижодкорлиги фаолиятининг мониторингини ўзига хос хусусиятлари куйидагилардан иборат:

— муайян ваколатли давлат органида ушбу фаолиятни амалга ошириш функциясининг мавжудлиги (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.04.2018 йилги ПҚ-3666-сон қарорига асосан давлат органлари ва ташкилотлари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг мониторинги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади);

— мониторинг ўтказишдан кўзланган асосий мақсад сифатли ва мукамал қонун ҳужжатлари базасини яратилишига эришишдан иборатлиги;

— мониторинг давомида норма ижодкорлиги фаолиятини амалга оширувчи ваколатли давлат идоралари томонидан ушбу фаолиятга оид қонун ҳужжатлари талабларига тўлиқ ва оғишмай риоя этилаётганлигини ўрганишдан иборатлиги.

Шунингдек, таҳлиллар ва ўрганишлар давомида, айнан адлия органлари томонидан ваколатли идораларининг норма ижодкорлиги фаолиятини мониторингини амалга ошириши юзасидан комплекс тадқиқот ишлари ўтказилмаганлигини ва миллий қонунчиликда адлия органлари томонидан мазкур фаолиятни амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий механизми ишлаб чиқилмаганлигини, шунингдек бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, адлия органларининг норма ижодкорлиги фаолиятининг мазкур соҳасини такомиллаштириш зарурлигини таъкидлаш лозим. Худудий адлия органларида фаолият юритувчи ходимлар ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижалари ҳам бунинг яққол далилидир. Чунончи, “*бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, адлия органларининг давлат идора ва ташкилотлари норма ижодкорлиги фаолиятини мониторинг қилиш функциясини такомиллаштириш зарур. Буни маъқуллайсизми?*” деган саволга респондентларнинг 88 фоизи “*ҳа*” деб, қолган 12 фоизи эса рад жавобини беришди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. / Таҳрир хайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 614.

2. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.11.2019 й., 07/19/4505/3987-сон

3. Нормография: теория и технология нормотворчества : учебник для бакалавриата и магистратуры / Ю. Г. Арзамасов [и др.] ; под редакцией Ю. Г. Арзамасова. — Москва : Изд. Юрайт, 2019. — С.159.



АХЛОҚ ТУЗАТИШ ИШЛАРИ ЖАЗОСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Алтмишев Темурбек Хамзаевич,
Ўзбекистон Республикаси Ички
ишлар вазирлиги Академияси
мустақил изланувчиси
Тел: +998985604001
E-mail: altmishevtemurbek05@gmail.com

Аннотация: Мақолада маҳкумни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тури сифатида ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Жиноят-ижроия кодексларидаги ҳуқуқий асослари тадқиқ қилиниб, амалиётда ушбу нормаларни қўллашда юзага келаётган бўшлиқлар ҳамда номувофиқликлар ёритилиб, уларни бартараф этиш юзасидан муаллифнинг таклифлари ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Жиноят, жазо, ахлоқ тузатиш ишлари, маҳкум, иш ҳақи, суд ҳукми.

Мамлакатимизда жазони ижро этиш тизимини такомиллаштириш бўйича қатор чоралар қабул қилинган. Хусусан, маҳкумларнинг ҳуқуқларига сўзсиз риоя этиш, уларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш, ушбу соҳада коррупция ва мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ҳолатларига барҳам бериш, жазони ижро этиш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс тадбирлар амалга оширилди [1]. Мамлакатимизда илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилиш, ҳуқуқбузарликларни барвақт профилактика қилиш ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар натижасида пробация хизмати фаолияти йўлга қўйилди [2].

Пробация хизмати илк бор 1887 йилда Англияда жорий этилган бўлиб, ҳозирда кўплаб ривожланган мамлакатларда шундай хизмат фаолият юритиб келмоқда [3]. Англияда бўлгани каби, бугунги кунда пробация хизмати АҚШ, Дания, Швеция, Финландия [4] ва бошқа бир қатор ривожланган давлатларнинг жиноят-ижроия қонунчилигига кириб келган ҳамда ушбу хизмат фаолияти турли давлатларда турлича йўлга қўйилган бўлсада, жиноят содир этган шахсларни ахлоқан тузатиш, уларни жамиятдан ажратмаган ҳолда жамоатчилик билан узвий ҳамкорликда қайта тарбиялаш борасида юқори самарадорликни намоён этиб келмоқда.

Пробация «синов» деган маънони англатиб, халқаро амалиётда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг ижро этилишини таъминлаш ва назоратини олиб бориш билан шуғулланади. Яъни, суд ҳукми ёки ажрими билан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахслар томонидан жазонинг ижро этилишини таъминлайди [3]. Пробация хизматининг ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижро этиш фаолиятининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Жиноят, жиноят-ижроия кодексларида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг бир қатор буйруқларида белгиланган.

Президентимизнинг «Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ–4006-сон қарори асосида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижронини ташкил этувчи Пробация хизматига доир қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган: 1) Ички ишлар вазирининг 2018 йил 7 декабрдаги «Пробация хизмати фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 316-сон буйруғи; 2) Ички ишлар вазирининг 2019 йил 11 ноябрдаги «Пробация хизмати фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 316-сон буйруғига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги 579-сон буйруғи; 3) Ички ишлар вазирининг 2020 йил 27 майдаги «Ички ишлар органлари пробация бўлинмалари ходимлари фаолиятини баҳолаш ва рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 177-сон буйруғи; 4) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2019 йил 20 февралдаги «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ҳамда пробация назорати остидаги шахсларни ижтимоий мослаштириш ва ишга жойлаштириш механизмларини такомиллаштириш тўғрисида»ги 28-18-сон қўшма қарори; 5) Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил



7 декабрдаги «Пробация хизматини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги 77, 30-хх-сон қўшма қарори; б) Вазирлар Маҳкамасининг «Ички ишлар органлари пробация хизмати фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 14 февралдаги 84-сон қарори.

Жиноят-ижроия кодексининг (кейинги ўринларда ЖИК) 7-бобида [5] ахлоқ тузатиш ишлари тарикасидаги жазони ижро этиш белгиланган бўлиб, унда жазони ижро этиш тартиби (26-м.), жазоларни ижро этиш инспекциясининг мажбуриятлари (27-м.), корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг ҳукми ижро этиш борасидаги мажбуриятлари (28-м.), маҳкумнинг мажбуриятлари (29-м.), жазо муддатини ҳисоблаш (30-м.), маҳкумнинг иш ҳақидан чегириб қолиш тартиби (31-м.), ахлоқ тузатиш ишларини ўташдан бўйин товлаш оқибатлари (32-м.) назарда тутилган.

ЖИКнинг 26-моддаси, биринчи қисмида: «Ахлоқ тузатиш ишлари тарикасидаги жазо ижроси маҳкумнинг яшаш жойидаги ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан амалга оширилади» [5] деб белгиланган.

Бироқ, замонавий халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясига [6] мувофиқ, Президентимизнинг «Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ-4006-сон қарори қабул қилинган бўлиб, унинг 2-бандида: «2019 йил 1 январдан эътиборан, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасининг Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этилишини назорат қилиш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари негизида вазирлиқнинг Жазони ижро этиш бош бошқармаси ҳузуридаги Пробация хизмати ва тегишлича унинг ҳудудий бўлинмалари (кейинги ўринларда – пробация бўлинмалари) ташкил этилин» [1] деб белгиланган.

Қарорда пробация бўлинмаларининг асосий вазифаларидан бири этиб ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш бўйича фаолиятини бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, жамоат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорликда самарали ташкил этиш вазифаси белгиланган.

Ҳолбуки, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар сирасига киргани ҳолда, ушбу жазонинг ижроси пробация бўлинмаларининг вазифаси ҳисобланади.

Президентимизнинг 4006-сон қарорининг 6-бандида Ички ишлар вазирлигининг ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан келиб тушадиган ушланмаларнинг 50 фоизи ҳисобидан шакллантириладиган «Пробация хизматини ривожлантириш жамғармаси»ни тузиш белгиланган. Бугунги кунда Пробация хизматини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилган бўлиб, у ўз фаолиятини Ички ишлар ва Молия вазирлигининг 2018 йил 7 декабрдаги «Пробация хизматини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги 77, 30-хх-сон қўшма қарор асосида амалга ошириб келмоқда.

Жумладан, 2019 йилда ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаётганлар сони 20.021 нафарни ташкил этган бўлиб, уларнинг иш ҳақидан 32.099 млрд. сўм давлат бюджетига ушлаб қолинган. Ушбу маблағларнинг 15.9 млрд. сўми пробация хизматини ривожлантириш жамғармасига ўтказилиб, пробация хизматининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, электрон тизимни ишлаб чиқиш, ходимларни рағбатлантириш, бюджет ҳисобидан молиялаштирилмайдиган 218 та штат бирлигини молиялаштириш учун сарфланган [7].

ЖИКнинг 26-моддасининг иккинчи қисмида маҳкум доимий яшаш жойига эга бўлмаган тақдирда ҳукмнинг ижроси ҳукм чиқарилган жойдаги жазоларни ижро этиш инспекцияси (ҳозирда пробация бўлинмалари) зиммасига юкланиши белгиланган. Ушбу норманинг тахлили шуни кўрсатадики, маҳкум ўзи яшайдиган жойда жазо муддатини ўташида унинг вақтинча рўйхатда турган жойи эмас, балки унинг доимий яшаш жойи инобатга олинади.

ЖИК 26-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида ахлоқ тузатиш ишлари корхоналарда, муассасаларда ва ташкилотларда ўталиши, шунингдек жазони ўз иш жойида ўташ шarti билан ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар судлангунга қадар ўзлари ишлаган корхона, муассаса ёки ташкилотда меҳнат фаолиятини давом эттиришлари белгиланган. ЖИКнинг ушбу нормасининг кенгайтирилган легал шарҳи Олий суд Пленумининг



2006 йил 3 февралдаги 1-сонли «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 20-бандида ҳам белгиланган бўлиб, унга кўра: «Ахлоқ тузатиш ишлари, одатда, иш жойида ўташ шарт билан тайинланиши лозим. Шунингдек, шахс ўз касб ёки хизмат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда жиноят содир этиб, унинг олдинги иш жойида қолдирилиши жазонинг тарбиявий аҳамияти пасайишига олиб келса, ахлоқ тузатиш ишларини ушбу жазо ижросини амалга оширувчи орган томонидан белгиланган жойда ўташ тайинланиши мумкин» [8].

Бирок, Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 20-бандида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари бўйича алоҳида қоидалар белгиланмаган ва бундай ходимлар томонидан содир этилган жиноят ходимнинг касби ёки хизмат вазифасини бажариш билан боғлиқ бўлган ёки бўлмаганлигидан қатъий назар, жазо унинг олдинги иш жойида ўталмаслигига оид қоида киритилмасдан қолиб кетган.

Хусусан, Президентимизнинг 2017 йил 29 ноябрдаги «Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3413-сон қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган «Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги Низом»нинг 144-бандида ходимнинг хизматдан бўшатилиши асослари белгиланган бўлиб, унинг «л» кичик бандида: «жинояти учун суднинг ҳукми, ажрими, қарори қонуний кучга кирганидан кейин ҳукм қилинганлиги» [9] кўрсатиб ўтилган. Яъни, ИИОлари ходимларининг жинояти учун суднинг ҳукми, ажрими, қарори қонуний кучга кирганидан кейин ҳукм қилинганлиги унинг ички ишлар органларидан бўшатилишига сабаб бўлади ва ходимга иш фаолиятини давом эттиришга рухсат берилмайди. Шунга кўра, собиқ ИИОлари ходимларига нисбатан судлар томонидан ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо қўлланилганда, собиқ ходимнинг судланганига қадар ишлаб келган иш жойида жазони ўташига рухсат берилмайди.

Шу боис, фикримизча Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли қарорининг 20-бандига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларини олдинги иш жойида жазони ўташ учун қолдириш мумкин эмаслигига оид қоидаларни киритиш мақсадга мувофиқдир.

ЖИК 26-моддасининг бешинчи қисмида жазони бошқа жойларда ўташ шарт билан ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар жазоларни ижро этиш инспекцияси (пробация бўлинимаси) белгилаб берадиган корхона, муассаса ва ташкилотларга юборилиши, вояга етмаган маҳкумлар эса яшаш жойидаги корхона, муассаса ва ташкилотларга юборилиши белгиланган. Бунда вояга етмаган маҳкумлар ҳам, ўзларининг доимий яшаш жойидаги корхона, муассаса ва ташкилотларга юборилиши лозим.

ЖИКнинг 30-моддасида ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг муддатини ҳисоблаш тартиби белгиланган бўлиб, унинг биринчи қисмида жазо муддати маҳкум ишлаган ва унинг иш ҳақидан ушлаб қолинган давр мобайнидаги йиллар, ойлар ва кунлар билан ҳисобланиши, маҳкум ишлаб берган кунлар миқдори суд томонидан белгиланган жазо муддатининг ҳар ойига тўғри келадиган иш кунлари миқдоридан кам бўлмаслиги кераклиги, шунингдек агар маҳкум ана шу миқдордаги иш кунларини ишлаб бермаган бўлса ва ишланмаган кунларни жазо муддатига қўшиб ҳисоблаш учун ЖИКда белгилаб қўйилган асослар бўлмаса, ахлоқ тузатиш ишларини ўташ маҳкум белгиланган иш кунлари миқдорини тўлиқ ишлаб бергунига қадар давом этиши назарда тутилган.

ЖИКнинг 30-моддасининг иккинчи қисмида иш вақти жамлаб ҳисобга олинадиган корхона, муассаса ва ташкилотларда ишлаётган маҳкумларнинг жазони ўташ муддати иш соатларининг нормал миқдорига амал қилинган ҳолда, ҳисобга олинадиган даврдаги иш вақти муддатидан келиб чиқиб ҳисобланиши белгиланган. Бунда, ҳисобга олинадиган даврдаги иш вақтининг муддати иш соатларининг нормал миқдоридан ошиб кетмайдиган шарт билан маҳкум жазони ўтаётган корхона, муассаса ва ташкилотларда иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш жорий қилиниши мумкин бўлиб, ҳисобга олинадиган давр бир йилдан, кундалик иш вақтининг (сменанинг) муддати эса ўн икки соатдан ортиб кетмаслиги лозим (Меҳнат кодекси 123-м., 1-қ.).

ЖИКнинг 30-моддасининг учинчи қисмида жазони ўташ муддати корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти жазоларни ижро этиш инспекциясидан хабарнома олган кундан, бошқа жойларда ўталадиган ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар учун эса –



улар жазони ўташ учун юборилган қорхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошланиши белгиланган. Бунда, маҳкум судлангунга қадар ишлаган жойини ўзида жазони ўташ белгиланган бўлса, иш жойининг раҳбари пробацья бўлинмасининг хабарномасини олган кундан бошлаб жазони ўташ муддати бошланади. Маҳкум ахлоқ тузатиш ишларини пробацья бўлинмалари белгилаб берадиган бошқа жойларда ўташи суд ҳукмида белгиланган бўлса, маҳкум ишлаш учун юборилган жойда иш бошлаган биринчи кундан жазони ўташ муддати бошланади.

ЖИКнинг 30-моддасининг тўртинчи қисмида ахлоқ тузатиш ишларини ўташ муддатига қўшиб ҳисобланадиган муддат белгиланган бўлиб, унга кўра маҳкум ишламаган, аммо қонунга мувофиқ унинг иш ҳақи сақланиб турган вақт, шунингдек маҳкум ишсиз деб топилган вақт ахлоқ тузатиш ишларини ўташ муддатига қўшиб ҳисобланиши назарда тутилган.

ЖИКнинг 31-моддасида маҳкумнинг иш ҳақидан чегириб қолиш тартиби белгиланган бўлиб, унда ҳукмда назарда тутилган чегирма маҳкумнинг асосий иш жойидаги иш ҳақининг барча туридан, ҳар бир ишланган ой учун маош тўлаш чоғида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши назарда тутилган. Бунда маҳкумларнинг ойлик иш ҳақидан давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш, иш ҳақининг барча туридан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни истисно қилмаган ҳолда, шунингдек маҳкумларга ижро ҳужжатлари бўйича даъволар мавжудлигидан қатъи назар, амалга оширилади ва ҳар ойнинг иккинчи ярми учун тўланган иш ҳақидан, ишдан бўшаганда эса ойнинг ишлаган қисмидан ушлаб қолинади.

Ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта тартибида олинаётган нафақа ва бошқа тўловлар, иш ҳақига кирмайдиган қўшимча тўловлардан ва бир марта тўланадиган пул мукофотларидан (фойдаланилмаган таътилар учун пуллик компенсация тўловлари), иш вақтидан ташқари ишлаганлик учун, байрам (ишланмайдиган) кунлари арафасидаги ишлаган кунлар учун компенсация ва ҳақ тўлаш турларидан, ишдан бўшаганда қонунга мувофиқ бериладиган тўловлардан, янгидан ишга тушганда, бошқа ишга ўтганда, хизмат сафарига юборилганда бериладиган тўловлардан, ишчининг шахсий асбоб-ускуналаридан фойдаланганлиги учун ва берилмаган махсус кийим ва пойабзаллар учун тўланадиган тўловлардан ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа бадал тўловларидан ушлаб қолинмайди [8].

ЖИКнинг 32-моддасида ахлоқ тузатиш ишларини ўташдан бўйин товлаш оқибатлари белгиланган бўлиб, унга кўра маҳкум ахлоқ тузатиш ишларини ўташдан бўйин товлаган тақдирда жазоларни ижро этиш инспекцияси ўталмаган муддатни озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштириш ҳақида ЖКнинг 46 ва 83-моддаларида назарда тутилган тартибда судга тақдимнома киритиши назарда тутилган. Судга тақдимнома киритишда маҳкумнинг ахлоқ тузатиш ишларининг ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товлаганлиги асос бўлиб, бунда маҳкумнинг вояга етган ёки етмаганлиги аҳамиятга эга эмас.

Қайд этиш жоизки, Президентимизнинг 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ–4006-сон қарори қабул қилинганига икки йилдан ортиқ муддат ўтган ва бугунги кунда ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ижроси ички ишлар органларининг пробацья бўлинмалари томонидан амалга оширилиб келинаётган бўлсада, ушбу механизмлар ЖИКда белгиланганмаган. Бундан ташқари, ЖИКнинг 14-моддаси (жазоларни ижро этувчи муассасалар ва органлар) ҳам пробацья хизмати ва унинг жойлардаги бўлинмалари жазоларни ижро этувчи орган сифатида кўрсатиб ўтилмаган.

Бизнингча, пробацья хизмати ва унинг жойлардаги бўлинмалари ЖИКнинг ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазони ижро этиш деб номланган 7-бобида ушбу жазони ижро этувчи орган сифатида белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

Фикримизча, юқоридаги таҳлил ва тадқиқотларнинг натижаларини умумлаштирган ҳолда *ЖИКнинг 7-боби (ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазони ижро этиш) даги 26-30-моддаларидаги «жазоларни ижро этиш инспекцияси» жумласи «пробацья бўлинмалари» деган жумла билан алмаштирилиши мақсадга мувофиқдир.*

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ–4006-сон қарори



[Электрон манба]. Кириш йўли: <https://lex.uz/ru/docs/4045443> (Мурожаат қилинган сана: 26.12.2020).

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ички ишлар органлари пробация хизмати фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 14 февралдаги 84-сон қарори [Электрон манба]. Кириш йўли: <https://lex.uz/docs/4735981> (Мурожаат қилинган сана: 26.12.2020).

3. Пробация хизмати дастлабки бир йиллик фаолият натижалари ва келгусидаги режалар [Электрон манба]. Кириш йўли: <https://www.iiv.uz/news/probatsiya-xizmati-dastlabki-bir-yillik-faoliyat-natijalari--va-kelgusidagi-rejalar> (Мурожаат қилинган сана: 26.12.2020).

4. Темирбекова А. Пробация: сущность, цели и методы реализации // URL: <http://www.adilet.gov.kz/ru/node/8643> (дата обращения: 26.12.2020).

5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси [Электрон манба]. Кириш йўли: <https://lex.uz/docs/163629> (Мурожаат қилинган сана: 27.11.2020).

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони [Электрон манба]. Кириш йўли: <https://lex.uz/docs/3107036> (Мурожаат қилинган сана: 06.12.2020).

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси ҳузуридаги Пробация хизматининг 2019 йилдаги ҳисобот маълумотлари.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сон қарори [Электрон манба]. Кириш йўли: <https://lex.uz/docs/1455976> (Мурожаат қилинган сана: 26.12.2020).

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3413-сон қарори [Электрон манба]. Кириш йўли: <https://lex.uz/docs/3430641#3455076> (Мурожаат қилинган сана: 26.12.2020).



ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИДАГИ МУАММОЛАРИ

Уразбаев Давронбек Одилбекович

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
Жиной, маъмурий ва ижтимоий қонунчилик
бошқармаси бўлим бошлиғи
d.urazbayev@adliya.uz
+99897 432-26-06

Мамлакатимизда сўнгги йилларда олиб борилаётган шиддатли ислохотлар қонунчиликда ўзининг аксини топмоқда.

Айниқса буни, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлашга қаратилган изчил ҳуқуқий сиёсатни такомиллаштиришга қаратилган ишларда яққол кўрсак бўлади.

Албатта, табиийки, бу ислохотларда адлия органларидан, олдинги ўринларда туриб, барчага ўрناк бўлиш талаб этилади.

2020 йилнинг 19 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони[1] қабул қилинди.

Бутун жамиятимиз учун муҳим бўлган ушбу ҳужжатда адлия органлари олдида турган бугунги долзарб масалалар ва вазифалар белгилаб берилди. Яъни, адлия органларининг бўйнидаги масъулият салмоғи янада ортди. Буни яхши ҳис қилган ҳолда адлия органлари фаолияти самарадорлигини ошириш йўлидаги ҳаракатларини янги босқичга олиб чиқмоқда.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида низомга асосан, ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини юритиш, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини ошириш, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий раҳбарликни амалга ошириш Адлия вазирлигининг вазифаларидан бири ҳисобланади[2].

Бунинг механизми эса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси жараёнида намоён бўлади.

Бу борада хорижий давлатлар, жумладан Россия Федерацияси экспертларининг фикрига кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси Россия Федерацияси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари ҳуқуқий макон бирлигини таъминлаш фаолиятининг ажралмас қисмидир. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг ҳуқуқий (илмий-ҳуқуқий) экспертизаси муҳим восита ва тўғри илмий, ҳуқуқий савиянинг ва умуман, бўлажак ҳуқуқий ҳужжат сифатининг ишончли кафолати бўлиб хизмат қилади[3].

Демак, ҳуқуқий экспертизанинг сифати келгусида қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ишлаш сифатига ўзининг таъсирини ўтказди.

Шу боис, адлия органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси сифатини ошириш билан бир қаторда, ушбу ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқувчи давлат органларининг масъулиятини ҳам ошириш зарур.

Аксарият ҳолатларда улар томонидан киритилаётган лойиҳаларга Адлия вазирлигининг концептуал эътирозларидан иборат салбий хулосалар берилмоқда.

Масалан, 2020 йил давомида вазирликка ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун **2 463 та** норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари келиб тушган. Шулардан **1 433 тасига** жиддий эътирозлар билдирилган бўлса, **943 таси** эса амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлганлиги боис, салбий хулосалар билан қайтарилган.

Вазирликка ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун киритилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида доимий учрайдиган бир қатор тизимли камчиликлар мавжуд. Жумладан:



- энг муҳим ижтимоий муносабатларнинг қонун ҳужжатлари билан эмас, балки қонуности ҳужжатлари билан тартибга солиниши амалиёти кучаймоқда;
 - қонунларда амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари билан таъминланмаган қатор ҳаволаки нормалар мавжуд;
 - қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида умумий тусдаги, ҳаракатсиз ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсир этмайдиган қонун ҳужжатлари мавжуд;
 - норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг аниқ механизмлари мавжуд эмас;
 - давлат органлари ўз ваколатлари доирасига кирадиган масалаларни ҳам Ҳукумат даражасида ҳал қилишга интилишлари кузатилмоқда;
 - маҳаллий ижроия ҳокимияти органларида норма ижодкорлигини ташкил қилиш, шу жумладан ҳокимликлар томонидан қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун адлия органларига тақдим этишда суствкашликларга йўл қўйилмоқда;
 - норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаб чиқиш ва уларни молиявий, иқтисодий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда;
 - норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, шунингдек, уларнинг ижросини мониторинг қилиш жараёнларига етарлича эътибор қаратилмаяпти;
 - давлат органлари ва ташкилотларида жисмоний ва юридик шахслар томонидан амалдаги қонун ҳужжатларидаги муаммолар ва бўшлиқларга, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига бериладиган таклифларга эътиборсизлик билан қаралмоқда.
- Бу каби тизимли камчиликларни олдини олиш учун **қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:**
- норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси талабларидан келиб чиқиб, энг муҳим ижтимоий муносабатларнинг “қонунлар” билан тартибга солиш амалиётига тўлиқ ўтиш;
 - янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда уни амалга оширишга қаратилган ҳаволаки нормалар бўйича ҳужжатлар лойиҳаларини янги қонун лойиҳаси билан бирга ишлаб чиқиш. Яъни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашнинг “пакет” принципига тўлиқ амал қилиш;
 - ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсир этмайдиган ва амалда ўз аҳамиятини йўқотган қонун ҳужжатларини тўлиқ хатловдан ўтказиш ва аниқланган қонун ҳужжатларини бекор қилинишини таъминлаш чораларини кучайтириш;
 - норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига, ижтимоий соҳага, тадбиркорлик фаолияти ва рақобатга, экология ва атроф-муҳит ҳолатига бевосита таъсир кўрсатувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказишнинг аниқ механизмлари ишлаб чиқиш;
 - давлат органлари томонидан кўтарилаётган масалалар ёки муаммолар юзасидан алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқмасдан, уларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган амалдаги нормалар ва маъмурий тартиб-таомиллар орқали ўз ваколатлари доирасида ҳал қилиш тартибига қатъий амал қилиш;
 - маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорларни адлия органларидан мажбурий равишда ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши ҳамда уларнинг ижобий хулосаси бўлган тақдирдагина ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши жараёнининг доимий назоратини кучайтириш;
 - норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаб чиқиш ва уларни молиявий, иқтисодий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда жиддий камчиликларга йўл қўйган вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарларининг ҳисоботларини Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси муҳокамасига тизимли равишда киритиб бориш;
 - сифат, шаффофлик, тизимлилик, келишилганлик ҳамда жамоатчиликнинг жалб этилишини таъминловчи концептуал жиҳатдан янги механизмларни жорий этишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни илгари суриш, ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, шунингдек, уларнинг ижросини мониторинг қилиш тартибини такомиллаштириш;



- давлат органлари ва ташкилотларида жисмоний ва юридик шахслар томонидан амалдаги қонун ҳужжатларидаги муаммолар ва бўшлиқлар бўйича, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамаси давомида бериладиган тақлифларни алоҳида назоратга олиш механизмларини такомиллаштириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.05.2020 й., 06/20/5997/0634-сон.
2. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.04.2018 й., 07/18/3666/1073-сон.
3. Манохин В. Г. Организация правотворческой деятельности в субъектах Российской Федерации: учебник. Сара-тов: Изд-во ГОУ ВПО СГАП, 2002. С.109.



КОНСТИТУЦИЯ - ҲУҚУҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР ГУЛТОЖИ

Дилобар Рахманова

Тошкент шаҳар юридик техникуми
Ёшлар билаш ишлаш бўлими бошлиғи
Телефон: +998(97)7736324
1973.dilobar@gmail.com

Аннотация: Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимида ҳуқуқий қадриятларни шакллантириш – тизимнинг фаол ва изчил ҳаракатидир. Ҳуқуқий тизимда ҳуқуқий қадриятларни шакллантириш ва ривожлантириш масаласининг назарий тадқиқ этилиши айнан шу йўлдаги илмий изланишлар сирасидир.

Калит сўзлар: Конституция, Қонун, инсон, қадрият, ҳуқуқ ва эркинлик, жамият, ҳуқуқий тарғибот.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг демократик миллий ҳуқуқий тизими қарор топди ва у муттасил такомиллашиб бормоқда. Мамлакат ҳуқуқий тизимида тарихий ва замонавий ҳуқуқий қадриятларнинг сингиши, унинг таркибий қисмларида янги қадриятларнинг намоён бўлиши муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси давлат ва жамият ҳаёти учун муҳим ҳуқуқий кадр-қимматга эга ҳужжатдир. Айни вақтда, Конституция мазмунида кўплаб ҳуқуқий қадриятлар ўз ифодасини топган. Конституциявий ҳуқуқий қадриятлар ҳуқуқий қадриятларнинг юқори нуфузга эга бўлган шакли сифатида тавсифланади. Ҳуқуқий тизимда, айниқса, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида ҳуқуқий қадриятларнинг мустаҳкамланиши расмийлаштириш ва номаён бўлиши муҳим илмий ҳамда амалий аҳамиятга эгадир. Шу боис ҳуқуқ ва қонунларнинг яратилиши жараёнида ҳуқуқий қадриятларни ифодалаш, қатор топшириқ механизми таҳлил этилди, ҳуқуқий нормалар мазмунида қадриятлар акс этишининг табиати ва хусусиятларини очишга ҳаракат қилинди.

Ҳуқуқни қўллаш жараёнида ҳам қадриятлар муҳим ўрин тутди. Ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчилари маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий қадриятларга қанчалик амал қилсалар, ҳуқуқ нормалари ва қонун талабларини қўллаш шунчалик самарали бўлади. Ҳуқуқни қўллашнинг барча босқичларида қадриятлар номаён бўлишини аниқлаш ниҳоятда муҳим илмий-амалий масаладир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ўз аҳамияти, кадр-қиммати ва моҳиятига кўра қад ростлаётган демократик давлатчилигимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворидир. Унда халқимизнинг олий иродаси, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги интилишлари, эзгу истаклари мужассам ифодаланган. Ҳозирги кунда Конституциямиз истиқлолнинг буюк неъмат сифатида барчамиз учун эъзозли ҳамда мўътабар ижтимоий-ҳуқуқий қадриятга айланган гултождир.

Энг аввало Асосий қонунимизнинг олий нуфузи, беназир кадр-қиммати шундаки, у Инсон бахт-саодати учун хизмат қилмоқда, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини устувор таъминлаш принципини онгимизга сингдирмоқда. Унда давлат, унинг органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида маъсул экани ҳақидаги асосий қоида мустаҳкамланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Зеро Конституция яратилаётган чоғда унинг ижодкорлари “жамияти дунёвий неъматлар орасида энг улуғи-инсондир” деган фалсафадан келиб чиқиб иш тутган эдилар.

Конституция шарофати билан ижтимоий онгимизга, ҳуқуқий тафаккуримизга замонавий демократик қадриятлар, принцип ва ғоялар жо бўлмоқда, булар энг аввало, суверен давлатчилик ва одил демократик жамият куриш ғояларидир.

Халқимиз Конституциядаги демократик қадриятлар ва илғор ғоялар орқали маърифий дунёни англатаётган бўлса, дунё Конституциямиз орқали халқимизнинг табиати ва олижаноб фазилатларини англамоқда. Асосий қонунда ўзбекона одамийлик, инсонпарварлик, бағрикенглик, адолат ва саховатпешалик хислатлари ҳуқуқий ифодасини топган. Қомусимиз



муқаддимасидаёқ ҳалқимизнинг демократия ва ижтимоий адолат ғояларига содиқлиги, муҳим мақсадлардан бири фуқаролар тинчлиги вამиллий тотувликни таъминлаш эканлиги баён этилган. “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг пивожланиши учун шароит яратади”. Бу чинакам саховат ва бағрикенгликнинг қонуний ифодасидир.

Шундай қилиб, Конституциянинг моҳияти, ғоялари, тамоил қоидалари ҳуқуқий тафаккуримизга сингдириш ҳамда маданиятимизнинг таркибий қисмига айлантириш, шубҳасиз юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга пухта замин яратади. Зеро, бундай давлатчилик ва жамиятни қарор топтириш унинг сиёсий-ҳуқуқий мафқурасини ижтимоий онгимизга сингдиришдан бошланади. Ана шу мақсадда Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов бошлаб берган саъй-ҳаракатда фаол иштирок этмоқ ҳар биримизнинг Ватан саодати ва юрт равнақи йўлидаги муқаддас бурчимиздир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 08.12.1992;
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси.
3. “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш” концепцияси. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618 сон фармонида 1-илова.
4. Х.Т.Одилқориев, Ш.У.Якубов. Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий кадрлар -Тошкент-2010.
5. Интернет сайтлар: www.LEX.UZ.



ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ МАСАЛАЛАРИ.

Шахноза Гаффарова

Тошкент давлат юридик университети докторанти

Телефон: +998(97) 470 27 40

gaffarovashahnozanuritdinovna@gmail.com

Аннотация Мақолада Ўзбекистонда амалга оширилаётган гендер ислохотлари ва уларнинг истикболлари, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг аҳамияти ёритиб ўтилган, ечимини кутаётган муаммолар таҳлил қилинган ва уларни ҳал этиш йўллари муҳокама қилинган.

Калит сўзлар Президент мурожаатномаси, ҳуқуқ, гендер, тенг ҳуқуқлилик, хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар.

Бугунги янгиланаётган Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, манфаатларини таъминлаш, қобилият, истеъдод ва имкониятларини рўёбга чиқариш, бир сўз билан айтганда, уларни жамиятнинг тенг ҳуқуқли, фаол ва бунёдкор аъзосига айлан-тириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланган ва бу борада кенг қўламли комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4.2. “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш” бандида белгилаб берилган устувор вазифалар, хусусан, хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш, гендер тенглигини таъминлаш, давлат бошқарувидаги иштирокини ошириш, оғир аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга моддий, психологик, тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни уй-жой ва иш билан таъминлаш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, оилада маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш¹ борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида хотин-қизларни ижтимоий-ҳимоя қилиш масаласи янги босқичга кўтарилди.

Сўнгги тўрт йилда хотин-қизлар манфаатларига доир, халқаро стандартлар асосида 24 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Шу қаторда 2030 йилгача гендер тенглигига эришиш стратегияси ҳам ишлаб чиқилди.

2015 йилда БМТ Бош Ассамблеяси 70-сон резолюциясига асосан, 2030 йилга қадар 17 йўналишдаги Барқарор ривожланиш мақсадлари ишлаб чиқди. Ўзбекистонда БРМ ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасида миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди ва унга асосан миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича Бош вазир ўринбосари раҳбарлигида Мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолият олиб бормоқда. Ҳозирда камбағалликни камайтириш, даромад тенгсизлигини бартараф этиш, самарали бандликни ошириш, гендер тенгликни таъминлаш ҳамда эркак ва хотин-қизларни муносиб иш билан таъминлаш учун қонуний асосларни яратиш ва мавжудларини такомиллаштириш долзарб вазифаларимиздан бўлиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ушбу йилдаги мурожаатномада давлат сиёсатининг келгуси тараққиётини, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларини, халқимизнинг ҳаёт тарзи ва фаровонлигини янада оширишнинг ҳамда мустаҳкам халқаро ҳамкорликнинг долзарб масалаларини муҳокама қилар экан юқоридаги масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Бунинг учун назаримизда “Яшаш минимуми тўғрисида”ги, “Минимал ижтимоий стандартлар тўғрисида”ги қонунларни қабул қилишимиз лозим. Сабаби БРМ мақсадлари бизнинг миллий манфаатларимизга, мамлакатимизнинг стратегик вазифаларига тўлиқ ҳамоҳангдир.

Дарҳақиқат, камбағаллик масаласи илгари Ўзбекистонда расмий тан олинмаган оғриқли муаммолардан бири бўлиб келган, бугунга келиб эса уни батамом йўқотиш масалалари кун тартибига кўйилди. Алфред Маршал таъкидлаганидек, “Иқтисодий тадқиқотларнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Фармони.-Тошкент, Адолат, 2018. Б.22-23.



асосий ва олий мақсади камбағалларга ёрдам беришдан иборатдир”¹.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтган йили тижорат банклари ва Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан 172 мингдан ортиқ аёлларга ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун 4,9 трлн сўм кредитлар ажратилди. Бундан ташқари, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка кенг жалб этиш мақсадида аёллар учун жами 170 мингга яқин иш ўрни яратилди.²

Ҳозирда ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизларни ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, уларга давлат томонидан манзилли тарзда кўмаклашиш тизими жорий этилди.³ Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 январдаги “Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эълон қилинди.

Давлат раҳбари мурожаатномада кам таъминланган оилаларни уй-жой билан таъминлаш бўйича ишлар кўлами кенгайтирилиши ҳақида фикр билдираркан, 2,4 трлн сўм ипотека кредити бўйича дастлабки тўловни тўлаш ва ипотека фоиз ставкаларини субсидиялаш учун 27 минг оиллага (жорий йилга нисбатан 2,5 баравар кўп) йўналтирилиши ҳақида айтиб ўтди. Бу кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш ва қабағалликни камайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларнинг мантикий давоми бўлади.⁴

Ривожланишнинг асосини илм-фан ташкил этишини кундалик ҳаётимиз кўрсатиб турибди. Бугунги рақамлаштириш ва инновацияларни ривожлантириш шароитида таълим масалаларига тўхталмасдан иложимиз йўқ. Сабаби Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, камбағалликни камайтиришда, жамиятимиз ривож, Ўзбекистоннинг халқаро имиджи ва жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрнини оширишда таълимнинг, айниқса олий таълим билан ёшларни, хусусан хотин-қизларимизни қамраб олишда улушини ошириш алоҳида эътиборга молик.

Дарҳақиқат, олий таълим билан қамраб олиш аёлларнинг эркаклар билан меҳнат бозорида рақобатга кириша олишига имкон беради, оила бюджетига ўз ҳиссасини кўшишига, жамият ривож, турмуш фаровонлиги ошишига, бу эса аҳолининг кам таъминланганлик даражасини пасайтириш ҳамда қашшоқликни йуқотишга хизмат қилади.

“Олий ўқув юртларига қабул қилишда эҳтиёжманд оилалар қизлари учун грантлар сонини 2 баробарга кўпайтириб, 2 мингтага етказамиз. Аъло баҳоларга ўқиётган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қизлар учун махсус стипендиялар жорий этилади⁵ - деб таъкидлади, Президентимиз мурожаатномада.

2019-2020 ўқув йили бошига ОТМнинг талабалар тўғрисидаги маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, бу соҳада ижобий кўрсаткичлар қайд этилганини кузатишимиз мумкин. Республика бўйича олий таълимдаги талабаларнинг умумий сони 440991 нафарни ташкил этган бўлиб, шундан 202537 нафарини (46 %) хотин-қизлар ташкил этди. Ваҳоланки, 2014-2015 ўқув йилида эса бу кўрсаткич 38% ташкил этган эди. Вилоятлар кесимида кузатадиган бўлсак, хотин-қизлар улуши Навоий вилоятида – 60% дан, Сирдарё вилоятида – 56%дан, Сурхандарё вилоятида – 55% ошиқни, Хоразм ва Фарғона вилоятларида эса 54% ни ташкил этмоқда.⁶ Бу кўрсаткичлар албатта қувонтиради, лекин ҳеч кимга сир эмаски, хотин-қизлар эркакларга нисбатан кам ҳақ тўланадиган касб ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритади. Уларнинг моддий ва маънавий қарамлиги, даромаддаги тенгсизлик тегишли равишда кам таъминланганлик билан боғлиқ муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Хотин-қизлар томонидан танланган касбларини барча ўринларда ҳам ихтиёрий деб бўлмайди. Олий таълимда хотин-қизлар улушининг ошгани кузатилсада, меҳнат бозорида ҳозирги кунгача сақланиб қолаётган “аёлларга хос” ва “эркакларга хос касб” мутахассисликларда

¹ <https://review.uz/oz/post/uzbekistan-izbral-model-gosudarstvennoy-politiki-sootvetstvuyushey-koncepcii-chestnoy-spravedlivosti-ceir>

² <https://archive.sendpulse.com/u/NzQxMDYyMg==/315fy/>

³ <file:///C:/Users/user/Desktop/GetPDFFile2.pdf>

⁴ file:///C:/Users/user/Downloads/_Xalq%20so'zi_%20gazetasi-276-2020-12-30.pdf “Халқ сўзи” газетасининг 30 декабрь кунги 276 (7778) сони

⁵ https://t.me/gazetalar_sharhi “Куч адолатда” газетасининг 2020 йил 30 декабрь кунги 51-сони

⁶ file:///C:/Users/user/Downloads/3.3%20info_OTM_uzb.pdf



аниқ гендер асимметрияси сақланиб қолмоқда, яъни аёлларнинг таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизматлар, санъат ва маданиятда, эркакларнинг эса қурилиш, молия, транспорт, алоқа, ҳуқуқшунослик, саноатда баланд ҳақ тўланадиган секторларда кўпчиликни ташкил этаётганлигини кузатамиз.

Назаримизда кўшимча тадбирларни амалга оширишни айнан ушбу йўналишлардаги ОТМда, яъни баланд ҳақ тўланадиган секторларда хотин-қизлар улушини ошириш; сиртки, кечки ва масофавий таълим олишга кенг йўл очиш; ногирон, ижтимоий кўмакка мухтож, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оила қизларига аҳолида турдаги кўшимча квота ажратиш; хотин-қизлар кам таълим олаётган ОМТга жалб этишда ОАВдан фойдаланиб тарғибот ишларини амалга ошириш; истеъдодли қизларни давлат гранти асосида ўқишни амалга оширишда кўшимча квоталар ажратишни ташкиллаштириш; ўқишни имтиёзли тамомлаган хотин-қизларни иш билан таъминлашни ОТМ томонидан таъминлаш; ўрта махсус, касб-хунар ҳамда кўшимча таълимда янги касб ва мутахассисликни эгаллашда, хунар ўргатишда давлат гранти улушини кўпайтириш, хусусий секторда текин ёки арзон ҳамда сифатли (ҳақ эвазига касбга ўргатиш ҳозирги кунда асосан МЧЖлар ҳиссасига тўғри келмоқда) касб эгаллашга кўмаклашиш; ногирон, ижтимоий кўмакка мухтож, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилаларига квота ажраш; ушбу амалиётни қўллаган МЧЖга солиқни камайтириш ёки бошқа турдаги имтиёзларни тақдим этиш; имкониятларини ҳисобга олиб, масофавий, таълимдан ёки асосий ишдан ажралмаган ҳолда меҳнат қилиш билан бир қаторда касб ўрганиш, янги соҳаларни ўзлаштиришга имконият яратиш лозим.

Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги - ҳуқуқларнинг тенглиги ва амалда ҳуқуқларни руёбга оширишда жамият ва давлатнинг барча соҳаларида уларга тенг имкониятлар яратилиши билан изоҳланади. Хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқли эканлиги - инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг тенглиги тамойилларига асосланиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Фармони.-Тошкент, Адолат, 2018. Б.22-23.
2. <https://review.uz/oz/post/uzbekistan-izbral-model-gosudarstvennoy-politiki-sootvetstvuyushey-koncepcii-chestnoy-spravedlivosti-ceir>
3. <https://archive.sendpulse.com/u/NzQxMDYyMg==/315fy/>
4. file:///C:/Users/user/Desktop/GetPDFFile2.pdf
5. file:///C:/Users/user/Downloads/_Xalq%20so'zi_%20gazetasi-276-2020-12-30.pdf “Халқ сўзи” газетасининг 30 декабрь кунги 276 (7778) сони
6. https://t.me/gazetalar_sharhi “Куч адолатда” газетасининг 2020 йил 30 декабрь кунги 51-сони
7. file:///C:/Users/user/Downloads/3.3%20info_OTM_uzb.pdf



СОВРЕМЕННЫЕ ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РАЗВИТИЯ ИНСТИТУТА КОНСУЛЬСКОЙ ЗАЩИТЫ

Гафурова Севара
PhD (юримик фанлар)
sevaragafurova@mail.ru

Аннотация: В данной статье раскрываются особенности института консульской защиты прав граждан за пределами своих стран. При этом статья ведет общий анализ ситуации в мире в данном направлении. Автор подчеркивает характерные аспекты развития института консульской защиты современности. Исследуя данный вопрос, автор приходит к выводу о том, что сегодняшний исторический период развития мировых отношений ставит перед институтом консульской защиты прав граждан каждой страны сложные, многогранные и экстренные задачи. В свою очередь институт консульской защиты интенсивно развивается и данное развитие не имело аналогов в истории консульского права.

Abstract: This article reveals the features of the institution of consular protection of the rights of citizens outside their countries. At the same time, the article provides a general analysis of the situation in the world in this direction. The author emphasizes the characteristic aspects of the development of the institution of consular protection in our time. Researching this issue, the author concludes that the current historical period in the development of world relations poses complex, multifaceted and urgent tasks for the institution of consular protection of the rights of citizens of each country. In this turn, the institution of consular protection is developing intensively and this development had no analogues in the history of consular law.

Annotatsiya: Ушбу мақола ўз мамлакатларидан ташқарида бўлган фуқароларнинг ҳуқуқларини консуллик ҳимояси институтининг хусусиятларини очиб беради. Шу билан бирга, мақолада ушбу йўналишдаги дунёдаги вазиятнинг умумий таҳлили берилган. Муаллиф замонавий консуллик ҳимояси институти ривожланишининг ўзига жиҳатларини алоҳида эътироф этади. Ушбу масалани тадқиқ этар экан, муаллиф ҳозир кунда кузатилаётган халқаро муносабатлар ривожига тарихий давр ҳар бир мамлакат фуқароларининг ҳуқуқларини консуллик ҳимоя қилиш институти олдида мураккаб, кўп қиррали ва долзарб вазифаларни қўяди деган хулосага келади. Ўз навбатида, консуллик ҳимояси институти жадал ривожланиб бормоқда ва бу ривожланишнинг консуллик ҳуқуқи тарихида ўхшаши бўлмаган, дея таъкидлайди.

Ключевые слова: институт консульской защиты, правовая помощь, консул, консульское учреждение, институциональные взаимоотношения, консульско-правовой аспект.

Key words: institute of consular protection, legal assistance, consul, consular office, institutional relationship, consular legal aspect.

Калит сўзлар: консуллик ҳимояси институти, ҳуқуқий ёрдам, консул, консуллик муассасаси, институционал ҳамкорлик, консуллик-ҳуқуқий масалалар

На каждом этапе развития государственности необходимость защиты прав и законных интересов своих граждан, находящихся за его пределами, является важнейшей задачей, как социально правового, так и политико-экономического вопроса. Исторический аспект личности является важной правовой категорией в становлении государства и права.

Лицо, находящийся за пределами своего государства находится не только от географической территории своей страны, но и от своих прав и привилегий. Для обеспечения его защиты необходимы соответствующие правовые институты. В данном контексте это консульские учреждения. Консульская защита прав и интересов граждан за пределами страны их гражданства – важный правовой механизм для обеспечения прав человека в целом. Развитие любого государства и общества жизнь требует достижения важнейших целей во всестороннем обеспечении прав и интересов прежде всего каждой личности.



Практическая значимость института консульской защиты, в свою очередь подтверждается теми факторами, которыми пандемия COVID-19 столкнула человечества. Людские обмены, мигранты, временно находящиеся граждане в иностранных государствах и их социальный быт показали важность института консульской защиты. Граждане, находящиеся на территориях других государств часто попадают в сложные ситуации как грань между жизнью и смертью, свободой и заключением, сталкиваются со всевозможными угрозами и несправедливостью.

Одной из признанных и эффективных форм защиты прав и законных интересов граждан за границей является дипломатическая и консульская защита. Возникновение этих институтов связано с зарождением и развитием института консула. Происхождение института консулов, в свою очередь, тесно связано с развитием международных связей, и особенно торговли и мореплавания.

Сегодня для всех стран мира дипломатическая и консульская защита является важным правовым инструментом обеспечения прав своих граждан за рубежом.

В доктрине международного права традиционно делается различие между дипломатической и консульской защитой граждан за границей. Такое различие основывается, в первую очередь, на положениях действующих конвенций¹. При определении и регулировании правового положения граждан за пределами страны правомерно использование как внутригосударственных норм права государства пребывания, так и норм национального права граждан. Таким образом, гражданин носит права и обязанности двух систем права:

во-первых, *права и обязанности, предоставляемые государством своего гражданства;*
во-вторых, *права и обязанности, предоставляемые страной пребывания для иностранных лиц.*

Современный практический аспект консульской защиты обусловлен рядом аспектов, в том числе возрастанием роли и значения международного сотрудничества в формировании наиболее благоприятных условий для эффективной реализации торгово-экономических связей. Сегодня консульские учреждения ведут свою деятельность в новых условиях, выполняя при этом нетрадиционные для консульской службы функции. Практическая значимость консульской защиты проявляется в сложности ситуации возникшей из-за пандемии COVID-19. Современный мир идет к развитию институционального сотрудничества, значимых для разрешения экстренно возникающих и накопившихся проблем.

В связи с пандемией сегодня характерной чертой консульской службы определяется требованиями оперативности в их деятельности. Консулы работают практически круглые сутки из-за разницы во времени с их столицами, гибких графиков рейсовых и чартерных полетов и др. Необходимо подчеркнуть временность данной ситуации, однако никто не может определить насколько это временно.

Консулы при оказании правовой помощи своим гражданам часто обращаются в административные органы страны пребывания. В данном контексте важен активная взаимное сотрудничество органов страны пребывания, а также направляющей стороны. Сегодня очень необходим институциональный подход в консульской деятельности.

Подводя итог к вышеизложенному можно сказать, что сегодняшней исторической период развития мировых отношений ставит перед институтом консульской защиты прав граждан каждой страны сложные, многогранные и экстренные задачи. В свою очередь институт консульской защиты интенсивно развивается и данное развитие не имело аналогов в истории консульского права.

Литература:

1. Устав Организации Объединенных Наций 1945 г. // Международное публичное право: Сборник документов в 2-х томах. Т.1, М., 1996.
2. Венская конвенция о консульских сношениях 1963 г. // Действующее международное право: Сборник документов 3-х томах. М., 1996, Т.1.
3. Аль-Факи Гамиль Хизам Яхья. Дипломатические и консульские меры по защите прав граждан за рубежом Диссертация по эл.ссылке <https://www.dissercat.com/content/diplomaticskie-i-konsulskie-mery-po-zashchite-prav-grazhdan-za-rubezhom>

¹ Аль-Факи Гамиль Хизам Яхья. Дипломатические и консульские меры по защите прав граждан за рубежом Диссертация по эл.ссылке <https://www.dissercat.com/content/diplomaticskie-i-konsulskie-mery-po-zashchite-prav-grazhdan-za-rubezhom>



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING XALQARO MAYDONDAGI TASHABBUSLARI

I.Idrisova. Navoiy viloyati Karmana tumaniga qarashli 2 umumiy o'rta ta'lim maktabining Davlat va huquq asoslari fani o'qituvchisi

O'zbekiston Respublikasi mustaqillikni dastlabki kunlaridanoq tashqi siyosatda o'z o'rnini va salohiyatini ega bo'lishga xarakat qildi va qisqa davrda xalqaro hamkorlik o'rnatishning xuquqiy asoslari ishlab chiqildi.

Hozirgi keng miqyosdagi ketayotgan integrasiyalashuv, globalashuv davrida nufuzli xalqaro tashkilotlar bilan ikki va ko'p tomonlama hamkorlik qilish xalqaro hamjamiyat tomonidan e'tirof etilgan tamoyillarni qabul qilish har jihatdan foydalidir. Qolaversa, Markaziy Osiyoning xavfsizligi va barqarorligini ta'minlashda hamkorlik ikki tomon uchun ham samaralidir. Bu mintaqadagi tinchlik va barqarorlik Xalqaro va mintaqaviy tashkilotlar hamda unga a'zo mamlakatlar manfaatlariga mos keladi. Yirik Xalqaro tashkilotlar BMT, YEI, NATO, SHHT o'z dasturi va rejasiga ega bo'lib, O'zbekiston Respublikasi bu tashkilotlar bilan hamkorlik qilib kelmoqda.

BMT - O'zbekiston 1992 yil 29 yanvarda Xavfsizlik Kengashi BMTning Bosh Assambleyasiga BMT ga a'zo qilib olishni tavsiya qildi. O'zbekiston Respublikasi 1992 yil 2 martda xalqaro tinchlik, xavfsizlikni saqlash va hamkorlik tashkiloti BMT ga a'zo bo'ldi.

Bu tarixiy voqea O'zbekistonning mustaqil davlat sifatida xalqaro hamjamiyatidan munosib o'rin olishda katta ahamiyatga ega bo'ldi. 1993 yil 24 oktyabrda Respublikada BMT vakolatxonasi ochildi. Darhaqiqat, o'tgan qisqa davrda Birlashgan Millatlar Tashkilotining O'zbekistondagi vakolatxonasi respublikada BMT ning taraqqiyot Dasturi, Sanoat taraqqiyoti Dasturi, qochoqlar ishi bo'yicha vakillari Oliy komissari, Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti, Aholi joylashish jamg'armasi, narkotiklarni nazorat qilish bo'yicha Dastur, Bolalar jamg'armasi singari ixtisoslashgan muassasalarni o'z tarkibiga birlashtirishga muvaffaq bo'ldi.

"Shu o'rinda BMTning integrasiya sohasidagi imkoniyatlari g'oyat ulkanligini va uning ixtisoslashtirilgan tashkilotlari bu imkoniyatlarni tashkil etuvchilari hisoblanishi alohida ta'kidlash lozim. O'zbekiston mazkur tashkilotlar bilan bugungi kunning o'zidayoq samarali hamkorliklarni rivojlantirmoqda. BMT doirasida jahon hamjamiyatidagi integrasiyalashuvni BMT ning ixtisoslashgan muassasalari – YUNESKO, Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti, xalqaro mehnat tashkiloti, YUNKTAD, YUNISEF va boshqalar bilan hamkorlik qilish orqali mustahkamlanmoqda". Bu Hamkorlikning asosida murakkab davrda qashshoqlikka; ommaviy ishsizlikka; aholini ko'chib ketish jarayonlari avj olishiga yo'l qo'yimaslik vazifasi turibdi. Ravshanki, bu sohadagi yutuqlarga O'zbekistonning jahon hamjamiyatiga jadal qo'shilishi va Birlashgan Millatlar Tashkilotining yordami tufayli erishdik. Birlashgan Millatlar Tashkilotining muassasalari va vakolatxonalari O'zbekistonda o'z faoliyatini keng avj oldirmoqda.¹

O'zbekistonning xalqaro miqyosda tinchliksevar siyosat o'tkazishi uchun keng imkoniyatlar vujudga keldi. 1993 yil 28 sentyabrda bo'lib o'tgan Birlashgan Millatlar Tashkilotining 48-sessiyasida O'zbekistonning Birinchi Prezidentimiz I.Karimovning ishtiroki va undagi ma'ruzasi O'zbekistonning jahonga ko'xna va navqiron davlat sifatida tanitdi. Ma'ruzada, O'rta Osiyo mintaqasini yadrosiz zona deb e'lon qilish, O'rta Osiyo mintaqasida kimyoviy va bakteriologik qurolni tarqatmaslik ustidan xalqaro nazorat o'rnatish, Narkobiznesga qarshi kurashni kuchaytirish, Orolni va Orol bo'yini qutqarish masalalariga alohida to'xtalib o'tdi.

1995 yil oktyabrda nishonlangan Birlashgan Millatlar Tashkilotining 50 yilligi va uning yubiley sessiyasi O'zbekistonning xalqaro siyosat borasidagi yangidan-yangi imkoniyatlarini ko'rsatishga sharoit yaratdi. Jumladan, u mamlakatlararo, mintaqalararo va qit'alararo munosabatlarni chuqurlashtirish, har bir mintaqada vujudga kelayotgan ijtimoiy-siyosiy jarayonlarning borishidan oldindan ogoh bo'lish, ularni o'z vaqtida o'rganish va zarur xulosalarga kelish, shu asosda umumbashariy muammolarni chigallashtirmasdan hal qilish

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1996. 3-том, 57-бет.



masalalarini ko'tardi.

O'zbekiston Respublikasini Yevropa Ittifoqi bilan hamkorlik qilishdan asosiy maqsadi muammolarni hal qilishda uning uzoq yillik bosib o'tgan integrasion yo'li tajribasidan va investision loyixalardan foydalanishdir. Ayniqsa, transport aloqasi, energetika, moliya sohasi, xususiylashtirish, ilm-fan, atrof-muxitni himoya qilish, demokratik institutlarni rivojlantirish va inson huquqlari sohasida hamkorlik qilish ko'zda tutilgan. O'zbekiston – Yevropa Ittifoqining markaziy Osiyodagi eng yirik savdo-iqtisodiy sherigi xisoblanadi. Bugungi kunda O'zbekiston bilan Evropa Ittifoqi o'rtasidagi savdo aylanmasi Yevropa Ittifoqining Kavkazortidagi uch mamlakatining hammasi bilan qilaetgan savdosidan uch marta ko'pdir.

Shu o'rinda yana shuni ta'kidlash lozimki, O'zbekiston Sobiq Ittifoqdosh davlatlar ichida Rossiyadan keyin ikkinchi bo'lib, Yevropa Ittifoqiga a'zolikka qabul kilindi. Ikki tomonlama tuzilgan, ekspert guruhlarni bir necha yillik izlanishlari va Yevropa talablariga O'zbekistonni moslashtirish jarayoni, ya'ni Yevropa integrasiyasiga mamlakatimizni qo'shilishi har jihatdan foydalidir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. O'zbekiston Respublikasining G'arb mamlakatlari bilan iqtisodiy, siyosiy, madaniy-ma'rifiy aloqalari. (o'quv qo'llanma). - T.: Iqtisod-moliya, 2007. 140 b.
2. O'zbekistonning eng yangi tarixidan ocherklar: metodologiya, tarixshunoslik va manbashunoslik masalalari. O'zbekistonning eng yangi tarixi masalalari bo'yicha muvofiqlashtiruvchi-metodik markaz . T.: Fan va texnologiyalar markazining bosmaxonasi, 2014. - 227 b.
3. Xalqaro munosabatlar yangi tizimining shakllanishi va unda O'zbekiston Respublikasining ishtiroki. Respublika ilmiy-nazariy konferensiya to'plami. Nizomiy nomidagi TDPU, 2010.

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 24-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(1-қисм)

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.01.2021

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000